


# ЗАМОНАВИЙ УСЛУБШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ



Функциональной стилистики обобщающе-  
ного языка и методы его  
исследования. М., 1970,

Этот учебник лекции читались  
мартин рабизуа 3 та пайта  
менга аяратди туркиши. Умумийте-  
дан лекциялар, умумийте-дан  
ва қолқувчи сўзлар тўғрисида  
ташвиҳ қилди.

Бу методда ҳам умумийте-дан  
ва умумийте-дан лекциялар аниқ  
орунга баён қилинган.  
(с. 78.)



NUSXA  
KADRLAR BO'LIHI  
"05" 10 21



антитеза усулдан фойдаланишга интилиш ҳам шу услубда кўпроқ бўлади. Шу маънода антонимик жуфтликларнинг қўлланишида сўзлашув услубига мойиллик бор. Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам бу усулдан фойдаланишнинг, айниқса, белги англлатувчи сўзларнинг эпитетлар сифатида қўлланишнинг фаоллиги кузатилади.

Антонимик жуфтликларнинг антитеза вазифасини бажариши халқ мақоллари ва поэтик ижод намуналарида яққол кўзга ташланади. Аммо бадиий матн образлилигини фақат антонимларнинг қўлланишига боғлаб қўйиш ярамайди. Уларни матн тасвирий воситалари комплексида қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун антонимларнинг вазифаси маъноларни қарама-қарши қўйиш ёки контраст билан чегараланиб қолмайди, балки тасвир этилаётган воқеликни тўлиқ қамраб олишга хизмат қилади.

#### Адабиётлар:


1. Бобоева С. Ҳамид Олимжон асарларида антонимларнинг стилистик қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти.-1988.-№3.
2. Бозоров О. Градуномиянинг антонимия ва синонимияни шакллантиришдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти.-1996.-№4.
3. Голуб И.Б. Стилистика русского языка. – М.: «Высшая школа», 1986.
4. Исабеков Б. -ар ва -ай аффикси воситасида антонимдан антоним ясалиши // Ўзбек тили ва адабиёти.-1972.-№6.
5. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: «Фан», 1983.
6. Исҳоқов Ё. Тазод // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, №5.
7. Ишаев А. Шаклдош антонимларга оид этюдлар // Ўзбек тили ва адабиёти.-1967.-№1.
8. Мамазокиров М. Аффиксал антонимия ва унинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти.-1988.-№3.
9. Маматов А. Антонимия асосида фразеологик шаклланиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти.-1998.-№6.
10. Меметов А. Ўзлашган сўзлар иштирокида ҳосил бўлган синонимлар ва антонимлар // Ўзбек тили ва адабиёти.-1974.

#### “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”ДА СЎЗ ҚУДРАТИ ҲАҚИДА

С.Мўминов, ФарДУ профессори,

Ф.Ҳошимова, Ш.Мўминов, ФарДУ талабаси

“Темур тузуклари” кенг маънодаги ахлоқ-одобга, кенгашларга, бошқарув санъатига, сўз қудратига оид асар бўлиб, унинг биринчи мақоласида муаллиф қуйидаги фикрларни баён этади: “Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тузоққа илтириш, муҳолифларни (кўнглини овлаб) дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, мурсою мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни қўлладим...” [1.14].





Келтирилган парчадан маълум бўлмоқдаки, буюк саркарда ўз фаолияти давомида муҳолифларни кўнглини овлаш орқали дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, муросаю мадора қилишни ўзига шиор қилиб олган.

Бундан ташқари буюк саркарда қанчалик муваффақиятларга эришмасин, катта имкониятлар соҳиби бўлмасин, “ман-манлик” касалига гирифтор бўлмаган ва ҳар бир ишни ақлли кишилар билан кенгашган қолда амалга оширган: “Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда субут, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасинлар...” [1.16].

Чучук сўз, ширин ҳикоят билан одамлар қалбига кириш санъатини ҳам буюк бобокалонимиздан ўргансак бўлади: “...Ғанимларимни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга эгмоқчи ва улар вужудидаги ёндирувчи (ғазаб) ўтини тўғри тадбир суви билан ўчирмоқни маслаҳат кўрдим. Шу тарзда уларни ром қилмоқчи бўлдим. (Шу мақсадда) Жете лашкарларининг сардори амир Абу Саъидга (кўп яхши) сўзлар айтдим...” [1.28].

Маълумки, алоқа-аралашувда мулоқот ўрни, вазият, атроф-муҳит ҳам катта аҳамият касб этади. Шунинг учун буюк саркарда мулоқотнинг бу шартларига ҳам қатъий амал қилган: “Амир Жаку, Ики Темур, амир Сулаймон ва амир Жалолиддинларни хилватроқ ерга чорладим ва уларни ўзимга иттифоқ қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан суҳбат куриб, “давлатимга шерик бўласизлар”, – дедим. Бу билан ўзларига ишонч ва менга хизмат қилишда қатъият уйғотдим. Шунга ўхшаш, мен билан иттифоқи бузилган тоифадаги бошқа амирларни ҳам бирма-бир ҳоли жойга чорлаб, ҳар қайсиси билан алоҳида гаплашдим” [1.31].

С ў з к у д р а т и Амир Темурнинг доимо ёдида бўлганлигини куйидаги парчалардан билиб олиш мумкин: “Қолган лашкарларни ҳам емак-ичмак (луқма) ва кийим-кечак (хирқа) билан умидвор қилдим, ширин сўз ва очик юз билан уларни ўзимга ром этдим. Қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд қилдим. Натижада мени кўллаб-қувватлаганлар ҳам, тескари бўлган мунофиқлар ҳам барчаси энди атрофимда бирлашди” [1.32].

Тангри таолога и л т и ж о қилиш, Аллоҳнинг расули ва унинг яқинларига с а л о в а т а й т и ш ҳам буюк Тангри томонидан инъом этилган каломнинг, сўзнинг қудратига ишониш, ихлос қилиш белгиси бўлиб, бу ҳақда “Тузук”да куйидагиларни ўқиймиз: “Илёсхожа кўшини тепасида жойлашган тоққа чиқиб ўрнашдим ва кечаси кўп жойга гулхан ёқишни буюрдим. Жете сипоҳийлари тоғдаги кўп гулханлар қаршиларида Пули сангин бошида турган лашкаримнинг катта фавжини кўриб, кўрқувдан саросимага тушиб қолдилар. Ўша тунни Илёсхожа кўшини “жангга ҳозирлан!” буйруғини кутиб (уйқусизликда) ўтказди. Мен туни билан тоғ устида ухламай тангри таоло даргоҳига илтижо қилиб, ундан ожизу муҳтож бандасига мадад беришини тилаш ва пайғамбаримиз Муҳаммад, саллоллоҳу алайҳи васаллам, унинг яқинлари ва саҳобаларига с а л о в а т а й т и ш билан машғул бўлдим. (33- б.)”

С ў з и д а т у р м а г а н , с у б у т с и з к и м с а л а р буюк саркарда томонидан жазосиз ҳам қолмаган: “Амир Қозоғоннинг набираси Амир Хусайнни давлатимга шерик деб (элга) эшигтирдим ва у билан муросаю мадора қилдим.



Гарчи у ташки кўринишидан менга дўстлик билдирса ҳам, аммо ичидан ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди. Унинг ўзи Мовароуннаҳр салтанати тахтига ўтиришни орзу этарди. Унга ишончим йўқлиги туфайли хожа Шамсиддин (Қуллол) мозорига бошлаб бориб, дўстлик изҳор қилиб қасам ичдим. У ҳам дўстликка хилоф бирон иш қилмаслик ҳақида аҳду паймон қилди.

Шундан кейин яна уч бор Қуръони мажидни кўлига олиб, дўстлик бобида онт ичди. Аммо вафо қилмагани учун охири менинг (жазойимга) гирифторм бўлди” [1.34].

Миннат қилмаслик, ўтган ишларни ю з и г а с о л м а с л и к марднинг иши бўлиб, бунинг учун инсонда буюк қалб, теран ақл бўлиши талаб этилади. Амир Темурда эса бундай фазилат мужассам бўлган: “Амир Боязид жалоир ҳам Хўжанд вилоятини тасарруф этган эди. Унга (дўстона) насиҳат қилсам қабул қилмади. Оқибатда ўз улусининг одамлари унга қарши чиқишиб, тутиб олдимга келтирдилар. Мен (ўтган ишларни юзига солмай) унга илтифотлар кўргиздим. Буни кўргач, ўзи шарманда бўлди.” [1.35].

Қ ў р с л и к инсонга ҳеч қачон манфаат келтирмаган. Аксинча, бундай кишилардан яқинлари безади, қочади: “Амир Хусайн мен кўлга киритган ғалаба ва ютуқларимни кўролмай, ҳасад ичини кемириб, менга ва ҳарамимдаги ўз синглисига кўп озор берди. У Мовароуннаҳрни мендан тортиб олишга, мени ўлдириб, тахтга ўзи ўтиришга бел боғлаган эди. Ўртамизда неча бор урушлар бўлиб ўтган бўлса-да, барчасида енгилди. Унинг адолатсизлиги, инсофсизлиги чегарадан ошган, мени енгил ва ўлдиришига оз қолган вақт ҳам бўлди. Айнан шу вақтда кўрслиги, ёмон йўл тутиши туфайли амирлари ундан юз ўтгирдилар” [1.39].

А ф в э т а о л и ш – мард ва оқил кишининг ишидир: “Амир Хусайн менга асир тушгандан кейин унинг навкарлари ва амирлари “энди бизни ўлдиради”, деб гумон қилган эдилар. Гарчанд аввалига ниятим уларни ўлдириш бўлган бўлса ҳам, кейинроқ, “ахир улар аскарлар-ку?” деб уларни авф этдим ва яна аскарлик ишларига ишларига тайинладим. (Шунинг учун) ўзимни уни унутган кишидек тутдим ва (унинг борасида) ушбу тадбирни қўлладим. мажлисларда, йиғин-ўтиришларда уни яхши сўзлар билан ёд этиб, мардлиги ва баҳодирлигини мақтадим, токи дўстлари: “Амир сенга нисбатан марҳамат ва иноят мақомида турибди” деб унга хат ёздилар. У зорланиб менга мактуб юборди ва инояту марҳаматимдан умидвор бўлиб менинг паноҳимга келди” [1.40].

М у л о й и м л и к, к е к с а қ л а м а с л и к ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди: “Ўз-ўзимга кенгашиб, Ҳиндистонни забт этишга розилик бермаётган амирларни мансабларидан олиб, кўшинларини кутволларига топширмақчи бўлдим. Лекин ўзим тарбиялаган кишилар бўлганликлари учун, уларни хароб қилишни истамадим. Гарчи улар юрагимни ҳар қанча қон қилган бўлсалар ҳам, уларга юмшоқлик-мулойимлик қилдим. Лекин охир-оқибатда менинг фикримга қўшилганларида, кўнглимда уларга нисбатан **ғ у б о р қ о л м а д и**” [1.47].

Х у л л а с: а) “халқнинг хоҳиш-иродасини қонун асосида амалга ошириш, адолатли бошқариш ғояси Амир Темур давлати бошқарувининг асосий вазифаси



эди” [2.4]; б) ”Тумур тузуклари”да саркардалик, бошқарув жараёнида сўзнинг ўрнига юксак баҳо берилади ва ундан оқилона фойдаланишга даъват этилади.

### Адабиётлар:

1. Тумур тузуклари. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.

2. Ильчиев Б. Соҳибқироннинг бошқарув санъати // ”ЕКО НАУОТ”, 2017 йил, 8 март, 5(314) - сон.

## ЎЗБЕК УСЛУБШУНОСЛИГИНИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ

*Ш.Искандарова, ФарДУ профессори*

Профессор М.Мукаррамовнинг ”Ўзбек тилида ўқшатиш” (1976), ”Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили” (1984), ”Научный стиль узбекского художественного языка” (1985) каби назарий жиҳатдан пухта монографиялари илмий жамоатчилик ўртасида эътибор топди.

М.Мукаррамов 1985 йилда ”Ҳозирги ўзбек адабий тили илмий стилининг семантик-функционал аспекти” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади, айни вақтда, олим ўзининг тадқиқотлари ва тинимсиз изланишлари натижасида бутун республикада стилистика мактабининг асосчиларидан бирига айланди.

Профессор М.Мукаррамовнинг ”Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили” номли монографияси<sup>1</sup> ўша пайтда энди ўрганилаётган функционал стилистика соҳасининг равнақиға муносиб ҳисса бўлиб қўшилди ва ўзбек илмий услубининг муайян мезонларини белгилаб берди. Мазкур монографияда ”бир бутун яқлит саналган илмий стилининг ўзига хос умумий типик белгиларини, унинг бошқа стиллардан фарқли томонларини очиш мақсад қилиб олинган”.<sup>2</sup> Илмий услубнинг аниқлик, объективлик, мантиқий изчиллик, қисқалик, тўлиқлик, нейтраллик сингари белгилари далилланган, унинг бошқа нутқ услубларидан фарқлари ёритилган. Китобда илмий услубнинг жанр хусусиятлари, композицион қурилиши, лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари батафсил ёритиб берилган.

Асарда стилистиканинг объекти белгиланар экан, жаҳон тилшунослигидаги ўйлаб олимларнинг қарашлари таҳлил қилиниб, атрофлича баҳслар асосида функционал услубларнинг тилининг бир бутун табиатини ўзида акс эттира олиши, тилининг ички эволюцион тараққиёти, функционал услублар доирасида тилининг эмоционал-экспрессив, синонимик имкониятларини ўрганиш ҳамда ”тил нутқда яшаб, воқе бўлар экан, объектив ҳолда мавжуд бўлган реал нутқ текстларини ўрганиш орқали тил бирликларининг бир бутун стилистик имкониятларини аниқлаш мумкин бўлади”,<sup>3</sup> деган асосли хулосаға келинган.

<sup>1</sup> Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент: Фау, 1984.

<sup>2</sup> Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент: Фау, 1984. 4-бет.

<sup>3</sup> Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент: Фау, 1984. 10-бет.